



**Fidoyilik –  
Vatanga xizmat demak!**

# Zarafshon

www.zarnews.uz  
https://www.facebook.com/zarnews.uz  
@zarnews\_uz  
https://twitter.com/zarnews\_uz

**Кун ҳикмати**

Истакка  
интилиш хатога,  
мақсадга  
интилиш эса  
манзилга олиб  
боради

1913-yil aprel oyidan chiqib boshlagan

E-mail: zarafshon@gmail.com



Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг

2020-yil 14-noyabr, shanba, 131 (23.411)-son

## Янги Ўзбекистон – янги дунёқараш

**Ушбу мавзуда жойларда аҳоли вакиллари билан маданий-маърифий учрашувлар бўлиб ўтмоқда**

Самарқанд шаҳридаги Навбоғчиён маҳалласида ўтказилган тадбирда вилоятнинг таниқли спортчилари чиқиш қилди, тажрибали хунармандлар ёшларга маҳорат дарси ўтди ва амалий санъат намуналарини намойиш этди.

Иштихон тумани Сафохўжа маҳалласидаги тадбирда иштирокчилар дастлаб иқтисодчи-олимларнинг «Янги Ўзбекистон – янги тараққиёт босқичида» мавзусидаги таҳлилий маърузасини тинглади, сўнгра хушовоз хонанда Жасур Мавлонов ижросидаги қўшиқлардан баҳраманд бўлди.

Булунгур туманининг Булунгур маҳалласида бўлиб ўтган тадбирда Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ректори Муҳиддин Пўлатов вилоят иқтисодиётининг бугунги ҳолати, унда булунгурликларнинг улуши ва келгусида бу салмоқнинг ошишида тумандаги имкониятларни таҳлил қилди.

Нарпай туманидаги 52-умумий ўрта таълим мактабига келган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Нодира Маҳмудова йиғилганларга Александро Кассонанинг «Дарахтлар тик туриб жон беради» асари асосида саҳналаштирилган спектаклдаги Марта образидан монолог айтиб берди.

Пахтачи туманидаги Тошқўприк маҳалласида ўтказилган тадбирда билимдонлик баҳси ўтказилиб, фаол қатнашган фуқароларга совғалар улашилди.

Каттакўрғон шаҳридаги 2-сон болалар мусиқа ва санъат мактабига ташкил этилган маънавий-маърифий тадбирда шоирлар Эркатош Шукурова ҳамда Фазилят Абдуллаеванинг ватан ва тинчликни мадҳ этувчи шеърлари иштирокчиларга илхом берди ва тадбир мушоирага айланди.

Самарқанд тумани Рустам қишлоқ ва Оқмачит маҳаллаларида ўтказилган тадбирда вилоят ҳокими Э.Турдимов ҳам иштирок этди.

Вилоят ҳокимининг мелия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари Жамшид Ўроқов иштирокида вилоятимизда камбағалликни қисқартириш борасида олиб борилаётган ишлар, иқтисодий кўрсаткичлар ва келгуси вазифаларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.



## Вилоятда камбағал оилалар қанча?

Унда маълум қилинишича, вилоятдаги 47,7 мингдан ортиқ оилада истиқомат қилувчи 215,3 минг фуқаронинг рўйхати шакллантирилган. Уларнинг 4651 нафари боқувчисини йўқотган, 7190 нафари ногирон, 2368 нафари кўп болали оила, 24 минг 954 нафари эса ишсиз ва доимий даромади йўқ фуқаролар ҳисобланади.

Шунингдек, «темир дафтар»га узок муддатга хорижга кетиб, оиласига даромад келтирмаётган 1704 нафар ва 6903 нафар турли сабабларга кўра камбағал бўлганлар киритилган. Рўйхатга олинган оилаларда 66,2 мингга яқин ишсиз фуқаро борлиги аниқланган.

– Ҳар бир камбағал оилани қўллаб-қувватлаш ҳамда уларни камбағалликдан чиқариш бўйича амалга оширилаётган ишлар «Saxovat.args.uz» дастури орқали ҳисоби юритилди, – деди Ж.Ўроқов. – «Саховат ва

кўмак» умумхалқ ҳаракати доирасида 51,8 мингдан ортиқ камбағал оилага 37 миллиард сўмлик кўмак берилди, «темир дафтар»га киритилган камбағал оилалардаги 66,2 минг нафар меҳнатга лаёқатли ишсиз фуқароларнинг 62,1 мингдан ортигининг бандлиги таъминланди, 2,8 мингга яқин фуқаро касбга ўқитилди. Йил якунига қадар яна 1,5 минг фуқаро касбга ўқитилди.

Қўшимча равишда, барча туман ва шаҳарларда 760 нафар ишсиз фуқарони қисқа муддатли касб-хунарга ўқитиш режалаштирилган.

Камбағалликни қисқартириш учун 66 та дала кооперативларига 1 334 гектар ер майдони ажратилиб, 3 240 нафар муҳтож оила бириктирилди. Шундай бўлса-да, вилоятимизда ишсизлик даражаси 9,5 фоизни ташкил этиб, 33 мингдан ортиқ оила «темир дафтар»да қолмоқда.

**Ўз мухбиримиз.**

## Аёл киши қандай ҳоким бўлиши мумкин?

Самарқандда сенатор Г.Алимова, вилоят ҳокимининг хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳатчиси С.Жумаева иштирокида вилоятда гендер тенгликни таъминлаш борасида олиб борилаётган ишларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Вилоятда фаолият кўрсатаётган оммавий ахборот воситалари ходимлари, блогерлар қатнашган анжуманда гендер тенглик бўйича олиб борилаётган ишлар ҳақида маълумот берилди.

Таъкидландики, мамлакатимизда гендер тенглик бўйича 20 га яқин норматив ҳужжатлар қабул қилиниб, ҳар бир қонун ҳужжати гендер экспертизасидан ўтказилади. Республика миқёсида жорий йил давомида 404 нафар аёллар ички ишлар идораларига ҳимоя ордери сўраб муурожаат қилган, уларнинг энг кўпи Тошкент вилояти, энг ками Қорақалпоғистон Республикасига тегишлидир. Зўравонликка учраган аёлларнинг катта қисми руҳий зўравонликка учраганларни ташкил этмоқда.

– Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ўз имкониятларини тўлақонли рўёбга чиқаришлари учун барча шарт-шароитни таъминлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди, – деди вилоят ҳокимининг хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳатчиси Сайёра Жумаева. – Айни пайтда халқ депутатлари вилоят Кенгашида 21 нафар (35 фоиз), туман (шаҳар) Кенгашида 129 нафар (26,9 фоиз) аёллар депутатликка сайланган. Вилоятимизнинг турли соҳаларда раҳбарлик лавозимларида 1845 нафар

хотин-қизлар фаолият кўрсатиб келмоқда.

Вилоятда кейинги 3 йил давомида 2073 нафар оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган, ногиронлиги бўлган хотин-қизларнинг бандлиги таъминланди. Ўтган 4 йил давомида ижтимоий ҳимояга муҳтож, ногиронлиги бўлган 800 дан ортиқ хотин-қизлар ва оилалар ўй-жой билан таъминланди.

Вилоят маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси ҳамда ички ишлар бошқармаси ҳамкорлигида шу йил 20 сентябрдан 20 октябргача вилоят миқёсида «Тазйиқ ва зўравонликка қарши курашиш ойлиги» деб эълон қилинди ва маҳаллаларда махсус профилактика ишлари амалга оширилди. Ушбу тадбир давомида тазйиқ ва зўравонликка учраган 717 нафар хотин-қиз аниқланиб, уларга ҳимоя ордерлари берилди.

Анжуман давомида бу каби ишлар доимий равишда такомиллаштириб борилаётгани таъкидланди. Журналистлардан «Аёл қандай ҳоким бўлиши мумкин?» мазмунидаги савол ҳам бўлди. «Ёшлигидан ўз олдига мақсад қўя олиши ва унга интилиши керак, муҳими шу», деб жавоб берди Каттакўрғон шаҳар ҳокими, сенатор Г.Алимова.

**Гулруҳ КОМИЛОВА.**

## Республика мутасаддилари Самарқандда

Аҳоли учун долзарб масалаларни ўрганиш ва уларни ҳал қилиш, қиш мавсумига тайёргарлик юзасидан тезкор чоралар кўриш мақсадида Президент администрацияси, марказий муассасалар, вазирлик ва идоралар раҳбарлари иштирокида 10-13 ноябрь кунлари вилоятимизда оммавий сайёр қабуллар ўтказилди.

Сайёр қабуллар ҳудудлар шароити ва имкониятидан келиб чиқиб, Каттакўрғон шаҳри, Самарқанд, Пайарик

ҳамда Тойлоқ туманларида ташкил қилинди. Унда вилоятда ёки туманнинг ўзида ҳал қилиш мумкин бўлган масалалар жойида ҳудудий раҳбарлар томонидан ечилди. Айримлари бўйича зарур чоралар белгиланди.

Сайёр қабулдан сўнг марказдан келган мутасаддилар чекка ва олис ҳудудларга чиққан ҳолда мавжуд муаммоларни ўрганиб, амалий ёрдам берди.

Хусусан, маҳалла ва оила-

ни қўллаб-қувватлаш вазирини ўринбосари А.Икромов бошчилигидаги ишчи гуруҳ Нуробод, Самарқанд, Оқдарё, Пайарик, Нарпай ҳамда Пахтачи туманларида маҳалла тизимидаги муаммолар, профилактика инспекторлари фаолиятини ўрганди.

Шунингдек, Нуробод туманида кадастр агентлиги тизимидаги долзарб муаммолар жойида ўрганилиб, тегишли амалий ёрдам кўрсатилди.

Мисол учун, тумандаги

### Сайёр қабул

Машъал маҳалласида кўчмас мулкка нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича 31 муурожаатга туман комиссияси томонидан ижобий ҳулоса берилган бўлса-да, аҳолининг моддий имконияти йўқлиги сабабли акция мuddати якунлангунга қадар тегишли тўлов амалга оширилмаган. Мазкур масалада фуқароларга имкониятидан келиб чиқиб тўлов амалга оширилгандан сўнг туман ҳокимининг тегишли қажори қабул қилиниши тушунтирилди.

**Ё.ГАДОВЕВ.**

### Пресс-тур

ли, ижтимоий соҳалар, тадбиркорлардан иборат 9500 истеъмолчи барқарор электр энергияси билан таъминланади. Боғимайдон, Даҳбед нимстанцияларида юклама камайд ва 14,5 минг истеъмолчида электр таъминотининг сифати яхшиланади.

2021 йилда 15 миллиард сўм қийматдаги Номозгоҳ нимстанцияси ишга туширилгач, Самарқанд шаҳридаги 6500 истеъмолчи сифатли электр таъминотиغا эга бўлади. Қолаверса, Чашма, Шоҳи Зинда, Шердор, Регистон станцияларида юкламалар каммайиб, 17,8 минг истеъмолчининг электр таъминотида барқарорлик таъминланади.

Шунингдек, шарқий нимстанцияси ишга туширилиши билан Самарқанд шаҳридаги 8500 дан ортиқ ва Пайарик туманидаги Ал-Бухорий нимстанциясининг ишга туширилиши натижасида бу ердаги мажмуа, меҳмонхоналар, кўп қаватли уйлар, Хартанг, Зарафшон, Чоштепа, Маниобод, Оққўрғон, Сорисув маҳаллаларидаги 10500 истеъмолчи барқарор электр энергияси билан таъминланади.

Пресс-тур давомида журналистлар Қорасув массивидаги нимстанцияда олиб борилаётган қурилиш-монтаж жараёнлари билан танишди.

**Ўқтам ХУДОЙБЕРДИЕВ.**

## Электр таъминотида барқарорлик

нимстанциялар ишга тушгач бўлади

Электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими (АСКУЭ)ни жорий этиш учун вилоятимизда 825,4 мингга электр ҳисоблагич ўрнатилиши режалаштирилган.

Ҳозиргача бундай ҳисоблагичлардан 692,6 минг дона келтирилган бўлса, унинг 655,2 минг донаси ўрнатилди ва уларнинг 586,8 минг донаси биллинг тизимига уланди. Йил якунигача яна қарийб 35 минг аҳоли хонадонига шундай замонавий электр ҳисоблагичлар ўрнатилиши режалаштирилган. Бу ўз навбатида ҳисоб-китоблардаги қулайлик билан бирга электр энергиясини ортиқча сарфланишининг олдини олади.

«Самарқанд ҳудудий электр тармоқлари» корхонаси томонидан ташкил этилган пресс-турда шу каби маълумотлар тақдим этилди.

Вилоятимизда электр энергиясида узилишларни тезкор аниқлаш ва бартараф этиш мақсадида корхона диспетчерлик марказига электрон табло ўрнатилиб, махсус тизим орқали вилоятимизнинг барча ҳудудларидаги қарийб 10 минг 800 га яқин трансформаторларнинг ишлаш ҳолатини



назорат қилиш жорий этилган.

– Электр энергияси таъминотида узилишларни камайитириш учун Қорасув массивида қиймати 16,3 миллиард сўмлик янги нимстанция қурилиб, биринчи босқичи йил якунигача фойдаланишга топширилади, – дейди корхона раҳбари Ғанишер Маматқулов. – Натижада Қорасув массивидаги аҳо-

### Москвадан мактуб

## Учинчи Ренессанс сари

Осиёлик зиёлилар барча даврда яловбардор бўлишган

Хурматли «Зарафшон»чилар! Мен қарийб 40 йилдан бери маърифатпарвар бобом Саидризо Ализода меросини ўрганиб, улардан кўпчилигини баҳраманд этиб келаман. Пандемия даврида Москвада, ўғлимникида истиқомат қилиб ҳам бу ишни тўхтатмадим. Интернет тармоғи орқали кутубхоналардан жадид бобом асарлари ва у киши тўғрисидаги маълумотларни излаётман.

Шунингдек, сизларнинг кўмакларингизда чоп этилган китобларни, газета нусхаларини, бобомнинг «История космонавтики России» рисоласини архив ва олийгоҳлар кутубхоналарига топширдим. Ўзбекистонда жадидлар, хусусан, Саидризо Ализода ижодига, фаолиятига берилаётган катта эътиборни гапириб бердим. 2017 йилда Самарқандда суратга олинган «С.Ализода Мовароуннахр фарзанди» ҳужжатли фильми видеотасмасини ҳам ҳада этдим.

Дарвоқе, бу фильمنى ҳозир араб, рус, немис, француз, хитой, урду тилларига таржимасини амалга оширялман. Кейин уни АҚШ, Эрон, Озарбайжон кутубхона ва архивларига юбораман. Чунки С.Ализода дунё мамлакатлари тарихини ёзиб, форс тилига ўғириб, Покистонда нашр қилдирган. Шу боис бу мамлакатлар зиёлиларини бобомнинг серқирра ижоди ва жадидлик фаолияти билан таништироқчиман.

Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёевнинг мамлакатда Учинчи Ренессанс даврига тамал тоши қўйиш учун қилган даъвати бежиз эмас. Негаки, осийлик зиёлилар тарихнинг барча даврларида яловбардор бўлишган. Мисол учун, XX аср фидойилари – Ўзбекистондан Маҳмудхўжа Бехбудий, Саидризо Ализода, Озарбайжондан Жалил Муҳаммад Кулизода, Зардобли, Исмоилбек Гаспирали, Қозондан Қозимбек Қозоний, Аҳмад Ҳоди Қозоний, Истанбулдан Рифат Истанбулий, Жавод Сунан Истанбулий, Афғонистондан Жалил Афғоний, Эрондан Дехудо Сейруз, Покистондан Муҳаммад Иқбол ўз даврида дунё ҳамжамиятига ибрат бўла олганлар. Зеро, 1907 йилда Саидризо Ализода «Рисолат ул иттиҳодия» китобида мусулмонларни эзгулик, илм-маърифат йўлида бирлашишга, ҳамкорликка чорлаган.

Бундай эзгу ҳаракатлар, гоғалар ўтган аср бошида айнан Самарқандда тамал тоши қўйилган миллий матбуотимизда, «Зарафшон» газетасида, «Ойна» журнал, «Шуълаи инқилоб» ҳафталигида чоп этилгани ва бу ишда бобом Саидризо Ализода фаол иштирок этгани билан доимо ғурурланаман.

**Сизларга ҳурмат билан,  
Фарҳод АЛИЗОДА.**

ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТ

# Ўзбекистондаги биринчи туризм қишлоғи

Ёки минг метрли йўлак бўйлаб



қишлоқ уйлари, хунармандларнинг манзилларига дуч келасиз. Кейинги тегирмон бугдойни унга айлантиради. Умуман, ушбу қишлоқ оралаб юраркансиз, шовуллаб оқаётган ариқдаги тегирмон, чархпалаклар кўнглингизга аллақандай завқ бағишлайди, хотиржамлик туясиз. Ариқдан бир маромда оқаётган сув, сокин муҳит, хунармандларнинг тақа туқи, кушларнинг чуғури, тандирга қаланаётган ўтиннинг ҳиди қоришиқ муҳит сизга ўзгача кайфият бағишлайди.

Тегирмонлардан ўтиб, йўлак бўйлаб, бешикчи устанинг дарчасини тақиллатамиз.

Ота-бобом дурадгор устачилик билан шуғулланган, - дейди бешикчи уста Мансур Сафаров. - Мен бешик ясаб билан шуғулланаман. Илоҳи борица, бу ишимда электр ускуналаридан эмас, ота-боболарим ишлатган асбоблардан фойдаланишга ҳаракат қиламан.

Кейинги тегирмонда шולי пўчоғидан ажратилиб, гуруч ҳолига келтирилади.

Тўғри, ушбу гуруч бозорлардаги сингари чиройли кўринишга эга эмасдир, аммо унинг таъми электр ускуналари ёрдамида тозаланган гуручникидан фарқ қилади, - дейди ота-боболари ишини давом эттираётган Наим Жамолов. - Қишлоғимиз аҳолиси азал-азалдан шולי экиш билан шуғулланади. Об-ҳавоси, табиати, сув бўйида жойлашгани учун шולי етиштиришга қулай. Кониғил гуручини излаб келадиганлар бор, бошқа вилоятлардан.

Дарвоқе, Наим аканнинг ўғли, невараси ҳам шу иш билан шуғулланади. Шולי тегирмонини ота-боболари ишлатган бўлса, ундан олдинроқ шу мақсадда қўлланилган келини ҳам кўриш мумкин.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Кониғил туризм қишлоғида сандиксоз, заргар, новвой, кулол ва бошқа кўплаб хунармандларнинг уйларига дуч келасиз.

Дарвоқе, ушбу уйлар сиз ўйлагандек замонавий иншоотлар эмас, оддий қишлоқ уйлари. Қишлоқ ҳудудида wi-fi ўрнатилган. 20 та оилавий уй меҳмонхоналари, 15 дан зиёд хунармандчилик устаноналари, сувенир дўконлар, миллий овқатланиш нуқталари, новвойхона, томорқа хўжаликлари ҳам айнан Кониғил туризм қишлоғидан ўрин олган.

Вилоят туризмининг ривожлантириш департаменти маълумотларига кўра, ушбу ишлар ҳали ҳаммаси эмас. Ушбу ҳудудда яна иккинчи ва учинчи босқич ишлар амалга оширилиши ҳам режалаштирилган экан. Хусусан, Сиёб ариғи бўйлаб 2,2 км, Оби Раҳмат ариғи бўйлаб 1,3 км узунликда янги йўналиш ташкил этилиб, унинг умумий майдони 7,1 гектарни ташкил этади. Ушбу босқичда 100 дан ортиқ туристик объектлар ташкил этилади.

Бу иншоотлар ишга тушса, 1000 дан кўпроқ кишининг бандлиги таъминланади. Ушбу босқичдаги ишларнинг аҳамиятли томони шундан иборатки, қишлоқнинг бир томони Чўпонота масканига, яна бир томони эса Самарқанд эшак эшиш канали атрофида қурилаётган замонавий Ситига улашиб кетади. Бу эса туризм ривожидида вилоятда алоҳида йўналиш ташкил этилаётгани, сайёҳларни қадим Самарқандда олиб қолиш учун кенг имконият яратилаётганидан дарак беради.

Дарвоқе, доим хорижлик сайёҳлар учун яратилган шароитлар ҳақида гапиримиз-у маҳаллий сайёҳлар эътибордан четда қолгандек бўлади. Кониғилни айланарканман, бу ерда фарзандларимиз билан айланади, ҳордиқ чиқарадиган, уларга миллий маданиятимиз, хунармандчилик йўналишларини кўрсатиш учун қулай маскан бўлганига ишонч ҳосил қилдим.

Гулрух МҶМИНОВА, Хусан ЭЛТОЕВ (фото).



Ўзбекистондаги ягона туризм қишлоғига бориш самарқандликларга кўп машаққат туғдирмайди. Ноқулай бўлмаган йўл орқали шаҳар марказидан ярим соатдан кам бўлмаган вақт оралиғида етиб борасиз. Автобусда боришни режалаштирган бўлсангиз, сал кўпроқ вақт сарфлашингизга тўғри келади.

Хуллас, биринчи туризм қишлоғи – Самарқанд туманидаги Кониғил маҳалласи ўз номи билан нимага бой эканлигини айтиб турибди. Аммо гап фақат бу ернинг сифатли гил, яъни тупроққа бойлиғида эмас. Шундан унумли фойдалана олаётган аҳолиси, хунармандларида ҳамдир. Шунинг учун Кониғил қишлоғининг бир қисми туризм йўналишларидан бирига айлантирилаётганда хунармандларни жалб қилиш масаласида қийинчилик туғилмади.

Аслида Кониғил қишлоғи маҳаллий қизиқувчилар ва хорижлик сайёҳлар учун аллақачон сайёҳлик масканига айланган эди. Сабаби, айнан шу ерда, Оби Раҳмат ариғининг бўйида бундан бир неча ўн йил аввал тарихий Самарқанд қоғози ишлаб чиқарилиши қайта йўлга қўйилган, барча ишлар қарийб қўлда, табиий маҳсулотлардан тайёрланиш жараёни хорижлик сайёҳларнинг қизиқишларига сабаб бўлганди. Узоқ йиллар сақланадиган бу қоғозга нафақат йиллар, балки табиат синовлари ҳам унчалик қаттиқ таъсир ўтказолмайди. Самарқанд қоғозининг бир неча аспиритини доверуғи тикланган, деб айтолмасак-да, аммо ўша услубда чиқарилаётган қоғоз ҳақиқатан ҳам эътиборли.

Эндиликда Кониғилда фақат қоғоз ишлаб чиқариш жараёни билангина тўхтаб қолмайдиган бўлди. Қишлоқнинг нақ ўртасидан оқиб ўтувчи Оби Раҳмат ариғи бўйлаб ўзига хос туризм қишлоғини ташкил қилиш вилоят туризмининг ривожлантириш департаменти томонидан илгари сурилган бўлса, вилоят ҳокимлиги бу ташаббусни қўллаб-қувватлаб, маблағ ажратди. Айни карантин кунлари ҳам иш қизғин кетган ва бу меҳнат якуни, натижаси бўлган ушбу маскан бўйлаб юраркансиз, ҳали бирор марта бу каби сайёҳлик ҳудудини учратмаганингизга амин бўласиз.

Қоғоз ишлаб чиқарилиш жараёнидан сўнг ариқ бўйлаб йўлакчалар, қадим услубда, замонавий тарзда бунёд этилган ҳордиқ чиқарадиган айвонлар, шу атрофдаги уйлар бир-бирига уйғунлашиб кетган. Сув йўли бўйлаб борар экансиз, қоғоз ишлаб чиқариш биноси ёнидаги каби яна бир тегирмонга дуч келасиз. Бу тегирмоннинг вазифаси бошқачароқ: у ёғ чиқаради. Электрсиз, фақат сув ҳаракати билан айланадиган тегирмондан зигир, кунжут, чигитдан ёғ олиш мумкин.

Табиий тегирмондан олинадиган ёғ фойдалилик хусусиятлари билан ажралиб туради, - дейди Санжар Мухторов. - Ушбу тегирмондан сайёҳларга ёғ олиш жараёнини кўрсатиб бериш учун фойдаланамиз. Электр тегирмонлардан 10 кило чигитдан 5-6 кило ёғ олинса, табиий тегирмондан бу вазн 3-4 килони ташкил этади. Ариқ бўйлаб саҳаётни давом эттираркансиз,

**БУ – ФАКТ!** Жорий йил 3 чорақда вилоятда ноқонуний ишлаётган 18 мингдан ортиқ фуқаро асосий иш жойига расмийлаштирилган ва 54 мингдан ортиқ илгари "норасмий" ишлаган фуқаролар фаолияти легаллаштирилган.

## Тўрт фарзанд билан қолган она алимент пулини ундирилмаяпти

Пайариқ туман МИБ ходимларининг ҳаракатсизлиги, ўз хизмат вазифасига юзаки ёндашаётгани туфайли бормаган идорам қолмади. Турмуш ўртоғини тўрт нафар фарзандидан ҳол ҳам сўрамади. Охири алимент тўлаши учун мурожаат қилдим. Шу йилнинг январь ойидан ота уйида яшайман. МИБга қатнайвериб, бир миллион 400 минг сўмни зўрға олдик. Бир неча марта прокуратурага ва бошқа идораларга алиментни ўз вақтида ундириб бериш бўйича хат ёздим. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросидан яқинда шундай мактуб олдим: «Сизнинг суд қарори ижроси таъминланмаётгани юзасидан йўллаган мурожаатингиз Бюронинг фуқаролик ишлари бўйича судлар ҳужжатларини ижро этиш бўлими томонидан кўриб чиқилди. Аниқланишича, фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд вилоят Пайариқ туманлараро судининг 2019 йил 3 июлдаги қарздор Б.Тўраевдан сиз-



нинг фойдангизга тўрт нафар вояга етмаган фарзандларингиз таъминоти учун ойлик иш ҳақи ва бошқа даромадларининг иккидан бир қисми миқдорида алимент ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжати бўйича Бюронинг Пайариқ туман бўлимида ижро иши юритилган. Мазкур ижро иши юзасидан қарздорнинг мулкий ҳолатини аниқлаш мақсадида ваколатли органларга сўровномалар юборилган бўлиб, олинган жавоб хатларига кўра, унга тегишли ундирув қаратилиши мумкин бўлган мол-мулклари мавжуд эмас-

### Хат таҳрирсиз босилмоқда

лиги аниқланган ҳамда 2019 йилнинг 14 октябрида қарздорнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан четга кетиш ҳуқуқлари вақтинча чекланган. Олиб борилган ижро ҳаракатлари давомида қарздордан жорий йилнинг август ойига қадар жами 7 миллион сўм миқдоридан алимент пуллари фойдангизга ундириб берилгани маълум бўлди». Ушбу хат келгач, югур-югурлардан сўнггина яна 3 миллион сўмдан ортиқроқ пулни олдим. Мажбурий ижро бюроси эса 7 миллион сўм ундирилган, деб ёзмоқда. Тўрт боламини боқиб, кийинтириш, бирига доимий равишда дори-дармон олишим керак. Пулга муҳтожлигимиздан уни талаб қилишга мажбур бўляпман. Мажбурий ижро бюроси туман бўлимига бормаган куним йўқ. Ҳар сафар қуруқ ваъдалар, баъзида дакки эшитиб келаман. Билшимсиз, алимент тўламаган оталар жавобгарликка тортилмоқда. Аммо фарзандларининг отасига бундай чора қўлланилган эмас, эҳтимол шунинг учун ундирув қийин келтирибди. **Дилшода ТҶРАЕВА, Пайариқ тумани, Хўжабод маҳалласи.**

## Қандли диабетни бор кишиларда нега вирус оғир кечади?

Коронавирусга чалинган беморлар даволана бошлагандан бери баъзи хасталиклари бор кишилар эҳтиёткор бўлишлари, ўзларини бошқалардан кўра кўпроқ асрашлари ҳақида фикрлар билдирилмоқда.



Бу гап нечоғли тўғри? Вирусга чалинган беморлар нималарга эътибор қаратиши керак? Келинг, шу ҳақда фикрлашайлик.

Коронавирус тарқала бошлаган пайтиёқ хорижлик мутахассислар ёндош хасталиклари, жумладан, қанд касали бор инсонлар ўзини эҳтиёт қилиши ҳақида бонг урдилар. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ҳам бу ҳақда таъкидлагач, ушбу хасталик бўйича даволаш ишларини олиб бораётган шифохонамизда ҳам қатор чоралар амалга оширилди. Хусусан, шифокорлар беморлар билан онлайн мулоқотда бўлиб, зарур тавсияларни бериб борди.

Биринчи навбатда, бундай инсонлар қанд миқдорини нормаллаштириб туришлари, парҳезга риоя қилишлари лозим. Қанд касали бор беморларнинг хасталик даражаси турлича

бўлади. Ўртача даражадагилари кўп ҳолларда шифокорларнинг барча тавсияси ҳам амал қилмайди. Хусусан, муолажаларни вақтни ўтказиб олишади, парҳезга амал қилишмайди. Вирус тарқалиши ҳали тўхтамаган бу кунларда қандли диабетни мавжуд беморлар ўз соғлиғига эътиборли бўлиб, ўзларига тегишли бўлган муолажаларни ўз вақтида олишларини тавсия этган бўлардим.

Коронавирус ушбу хасталикда оғир кечилишининг асосий сабаби, қонда унинг тарқалишига қулай муҳитнинг мавжудлиғидандир. Умуман, дунё олимларининг хулосаларига кўра, вирус биринчи навбатда организмнинг ожиз аъзосига кўпроқ зарба беради. Бу эса ўзи бўлиб хасталиги мавжуд инсонлар, аввало, ўша аъзоларига беъэтибор бўлмадилари, ўз вақтида даво муолажаларини олиб

туришлари лозимлигини англатади. Айни кунларда вилоятда COVID-19 га чалинган беморлар даволанаётган тақсимлаш марказида ҳам диспансеримизнинг уч нафар тажрибали шифокори фаолият олиб бормоқда. Улар марказга келтирилган, қандли диабетни бор инсонларни даволашда ўз хиссаларини қўшаётир. Айтиш керакки, ўз вақтида даволаниб юрган, қондаларга амалга қилган қандли диабетни бор инсонлар орасида ҳам вирусни енгиб ўтказиш ҳолатлари учрамоқда. Аммо соғлиғига эътиборсизлик қилган беморларда хасталик оғир кечилиши кузатилади. **Азиза ЮСУПОВА, вилоят эндокринология диспансери бўлими бошлиғи.**

ЖАМИЯТ ВА ШАХС

Хайдовчи, сени оиланг кутмоқда!

Шу йилнинг 15 октябридан 15 ноябригача жамоат тартибини сақлаш, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги ишлар самардорлигини ошириш мақсадида вилоятимизда махсус профилактик ойлик ўтказилмоқда.

Ойлик доирасида корхона ва ташкилотлар, таълим муассасалари ва маҳаллаларда, автошоҳбекатларда тарғибот тадбирлари ташкил этилди.

- Аввало, чорраҳа ва одамлар гавжум ҳудудларга тарғибот паннолар жойлаштирилди ва фуқароларга эслатмалар тарқатилди, - дейди Самарқанд шаҳри бўйича ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлими инспектори Озод Усмонов. - Хусусан, кеча кун давомида 20 дан ортиқ корхона ва ташкилот, таълим муассасаларида "Пиёда, умринг бўлсин зиёда!", "Секин юрсанг узоққа борсан!", "Хайдовчи, сени уйда оиланг кутмоқда!" каби мавзуларда тарғибот тадбирлари ўтказилди.

Моҳичеҳра ШЕРАЛИЕВА.

Гап ургутлик Тоштемир Норбоев ҳақида бормоқда. У болалигидан китобга, мутулаага меҳр қўйган инсон. Ўқувчилик, талабалик ва узоқ йиллик меҳнат фаолияти давомида эришган муваффақиятлари, оилавий бахтини китоб туфайли деб билади.

Тоштемир Норбоев Ургут туманининг Совгон қишлоғида туғилган. Ўрта мактабни аъло баҳоларга битириб, Самарқанд давлат университетининг физика факультетига ўқиди. Талабалик даврида дарсдан бўш вақтини кўпроқ кутубхонада ўтказишга, ўқиб, изланишга ҳаракат қилди. Жамоатчилик ишларида ҳам тенгдошлари орасида ажралиб турарди. Олий ўқув юртини тугатиб, ўзи ўқиган мактабда ўқитувчилик қилди. Шу билан бирга "Бешикдан қабригача илм изла" деган ҳадисни ўзига шиор билиб, ўқишдан тўхтамади. Тошкент халқ хўжалиги институтида таҳсил олди. Қўлига дипломни олган, фаолиятини Ургут ту-

Хамроҳи китоб бўлган отахон

ман суғурта ташкилотига давом эттирди. Бу ерда аввал инспектор, кейинчалик раҳбар вазифасида ишлади.

Тоштемир Норбоев бир муддат район партия қўмитаси ташкилий бўлими инспектори вазифасида фаолият юритди. Шундан сўнг қарийб ўн йил давомида Амир Темур жамоа хўжалигида бош иктисодчи, тафтиш комиссияси раиси вазифаларида самарали меҳнат қилди. Вилоят муглубот жамиятида аудитор вазифасида ҳам ишлади.


Тоштемир ака қайси вазифада ишлаган, тантлиги, самимилиги, шу билан бирга қаттиққўлиги, ташаббускорлиги

билан жамоада ўз ўрнига эга бўлди.

2004 йилда Тоштемир Норбоев "Илҳом, Бектош, Улугбек" фермер хўжалиги ташкил қилиб, қишлоқ хўжалиги билан шуғулланди.

Ер билан "тиллаша оладиган" қаҳрамонимиз нафақага чиқиб ҳам тиниб-тинчимади. Томорқада меҳнат қилиб, маҳалладошларига ўрناق бўлиб келмоқда. Шу билан бирга маҳалла раисининг кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича ўринбосари.

Турмуш ўртоғи Мавлуда Орзумуронова (охирати обод бўлсин) билан 8 нафар фарзандни тарбиялаб, уйли-жоили, ўқи-



мишли қилди. Улар бугун халқ хўжалигининг турли соҳаларида меҳнат қилмоқда.

18 неваранинг семимили бобоси Т.Норбоев бугун 70 ёши қаршилади. Табаррук ёшда бўлса-да газета, журнал ва китобга меҳри бошқача. Мутулаа қилишдан чарчамайди. Неवारаларига эртақ ва хикоялар ўқиб бериб, уларни ҳам китобхонликка қизиқтиришга ҳаракат қилади. Уйда мўъжазгина шахсий кутубхонаси бор.

Тўлқин СИДДИҚОВ.

РЕКЛАМА, E'OLONLAR, BILDIRISHLAR / Газетамиз ҳафтада уч марта - сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чоп этилади / Газетада чоп этилаётган реклама ва эълонлар тезкор, самарали ва ҳамёнбон / МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 66-233-91-56

"SAMARQAND MULK MARKAZI"

масъулияти чекланган жамияти бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибидан ўтказиладиган ёпиқ аукцион савдосига таклиф этади

Ёпиқ аукцион савдосига Самарқанд вилоти ИИБга қарашли, Самарқанд шаҳри Курчатов кўчаси, 102-уй манзилида сақланаётган қуйдаги техник носоз автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

- 1) А/м. "Дамас". 2004 й. и/ч., д/б. 30 087 VSF, т/н. Б.б. - 10 267 000 сўм; 2) А/м. "Дамас". 2006 й. и/ч., д/б. 30 091 VSF, т/н. Б.б. - 9 091 000 сўм; 3) А/м. "Дамас". 1996 й. и/ч., д/б. 30 215 VSF, т/н. Б.б. - 8 129 000 сўм; 4) А/м. "Дамас". 1999 й. и/ч., д/б. 30 298 VSF, т/н. Б.б. - 9 091 000 сўм; 5) А/м. "Дамас". 1999 й. и/ч., д/б. 30 324 VSF, т/н. Б.б. - 8 851 000 сўм; 6) А/м. "Дамас". 1998 й. и/ч., д/б. 30 345 VSF, т/н. Б.б. - 8 554 000 сўм; 7) А/м. "Дамас". 1999 й. и/ч., д/б. 30 357 VSF, т/н. Б.б. - 8 419 000 сўм; 8) А/м. "Дамас". 2004 й. и/ч., д/б. 30 360 VSF, т/н. Б.б. - 10 135 000 сўм; 9) А/м. "Дамас". 2000 й. и/ч., д/б. 30 365 VSF, т/н. Б.б. - 9 256 000 сўм; 10) А/м. "Дамас". 1996 й. и/ч., д/б. 30 379 VSF, т/н. Б.б. - 9 256 000 сўм; 11) А/м. "Дамас". 2000 й. и/ч., д/б. 30 395 VSF, т/н. Б.б. - 9 256 000 сўм; 12) А/м. "Дамас". 1996 й. и/ч., д/б. 30 503 VSF, т/н. Б.б. - 7 364 000 сўм; 13) А/м. "Дамас". 1999 й. и/ч., д/б. 30 809 VSF, т/н. Б.б. - 9 006 000 сўм; 14) А/м. "Тико". 2002 й. и/ч., д/б. 30 266 VSF, т/н. Б.б. - 4 686 000 сўм; 15) А/м. "Тико". 2002 й. и/ч., д/б. 30 367 VSF, т/н. Б.б. - 4 876 000 сўм; 16) А/м. "Тико". 1997 й. и/ч., д/б. 30 820 VSF, т/н. Б.б. - 4 040 000 сўм; 17) А/м. "Опель Вектра". 1994 й. и/ч., д/б. 30 013 VSF, т/н. Б.б. - 6 752 000 сўм; 18) А/м. "Опель Вектра". 1994 й. и/ч., д/б. 30 293 VSF, т/н. Б.б. - 7 360 000 сўм; 19) А/м. "Опель Омега". 2001 й. и/ч., д/б. 30 894 VSF, т/н. Б.б. - 6 305 000 сўм; 20) А/м. "ВАЗ-2101". 1985 й. и/ч., д/б. 30 208 VSF, т/н. Б.б. - 1 344 000 сўм; 21) А/м. "ВАЗ-2101". 1987 й. и/ч., д/б. 30 327 VSF, т/н. Б.б. - 1 344 000 сўм; 22) А/м. "ВАЗ-2105". 1991 й. и/ч., д/б. 30 043 VSF, т/н. Б.б. - 2 490 000 сўм; 23) А/м. "ВАЗ-2105". 1991 й. и/ч., д/б. 30 216 VSF, т/н. Б.б. - 2 115 000 сўм; 24) А/м. "ВАЗ-2105". 1980 й. и/ч., д/б. 30 255 VSF, т/н. Б.б. - 2 099 000 сўм; 25) А/м. "ВАЗ-2105". 1992 й. и/ч., д/б. 30 289 VSF, т/н. Б.б. - 2 390 000 сўм; 26) А/м. "ВАЗ-2105". 1996 й. и/ч., д/б. 30 236 JAA, т/н. Б.б. - 2 421 000 сўм; 27) А/м. "ВАЗ-2106". 1989 й. и/ч., д/б. 30 018 VSF, т/н. Б.б. - 1 203 000 сўм; 28) А/м. "ВАЗ-2106". 1990 й. и/ч., д/б. 30 041 VSF, т/н. Б.б. - 1 924 000 сўм; 29) А/м. "ВАЗ-2106". 1990 й. и/ч., д/б. 30 042 VSF, т/н. Б.б. - 1 417 000 сўм; 30) А/м. "ВАЗ-2106". 1988 й. и/ч., д/б. 30 049 VSF, т/н. Б.б. - 1

- 203 000 сўм; 31) А/м. "ВАЗ-2106". 1989 й. и/ч., д/б. 30 068 VSF, т/н. Б.б. - 1 262 000 сўм; 32) А/м. "ВАЗ-2106". 1991 й. и/ч., д/б. 30 074 VSF, т/н. Б.б. - 1 540 000 сўм; 33) А/м. "ВАЗ-2106". 1991 й. и/ч., д/б. 30 218 VSF, т/н. Б.б. - 1 766 000 сўм; 34) А/м. "ВАЗ-2106". 1996 й. и/ч., д/б. 30 221 JAA, т/н. Б.б. - 2 078 000 сўм; 35) А/м. "ВАЗ-2106". 1991 й. и/ч., д/б. 30 223 VSF, т/н. Б.б. - 1 487 000 сўм; 36) А/м. "ВАЗ-2106". 1996 й. и/ч., д/б. 30 235 JAA, т/н. Б.б. - 1 462 000 сўм; 37) А/м. "ВАЗ-2106". 1991 й. и/ч., д/б. 30 243 VSF, т/н. Б.б. - 1 820 000 сўм; 38) А/м. "ВАЗ-2106". 1990 й. и/ч., д/б. 30 267 VSF, т/н. Б.б. - 1 820 000 сўм; 39) А/м. "ВАЗ-2106". 1996 й. и/ч., д/б. 30 288 VSF, т/н. Б.б. - 2 129 000 сўм; 40) А/м. "ВАЗ-2106". 1989 й. и/ч., д/б. 30 302 VSF, т/н. Б.б. - 1 344 000 сўм; 41) А/м. "ВАЗ-2106". 1991 й. и/ч., д/б. 30 369 VSF, т/н. Б.б. - 1 219 000 сўм; 42) А/м. "ВАЗ-2106". 1989 й. и/ч., д/б. 30 374 VSF, т/н. Б.б. - 1 547 000 сўм; 43) А/м. "ВАЗ-2106". 1996 й. и/ч., д/б. 30 375 VSF, т/н. Б.б. - 1 641 000 сўм; 44) А/м. "ВАЗ-2106". 1996 й. и/ч., д/б. 30 377 VSF, т/н. Б.б. - 1 743 000 сўм; 45) А/м. "ВАЗ-2106". 1996 й. и/ч., д/б. 30 377 VSF, т/н. Б.б. - 1 743 000 сўм; 46) А/м. "ВАЗ-2106". 1991 й. и/ч., д/б. 30 561 VSF, т/н. Б.б. - 1 487 000 сўм; 47) А/м. "ВАЗ-2108". 1990 й. и/ч., д/б. 30 273 VSF, т/н. Б.б. - 2 978 000 сўм; 48) А/м. "ВАЗ-2108". 1991 й. и/ч., д/б. 30 506 VSF, т/н. Б.б. - 3 014 000 сўм; 49) А/м. "ВАЗ-2109". 1991 й. и/ч., д/б. 30 281 VSF, т/н. Б.б. - 1 906 000 сўм; 50) А/м. "ВАЗ-2109". 1989 й. и/ч., д/б. 30 235 VSF, т/н. Б.б. - 3 117 000 сўм; 51) А/м. "ВАЗ-2110". 1998 й. и/ч., д/б. 30 240 VSF, т/н. Б.б. - 7 042 000 сўм; 52) А/м. "ВАЗ-2121". 1986 й. и/ч., д/б. 30 217 JAA, т/н. Б.б. - 3 442 000 сўм; 53) А/м. "ВАЗ-2121". 1989 й. и/ч., д/б. 30 241 VSF, т/н. Б.б. - 3 528 000 сўм; 54) А/м. "ВАЗ-2121". 1989 й. и/ч., д/б. 30 294 VSF, т/н. Б.б. - 3 520 000 сўм; 55) А/м. "ВАЗ-2121". 1989 й. и/ч., д/б. 30 355 VSF, т/н. Б.б. - 3 442 000 сўм; 56) А/м. "ВАЗ-2121". 1989 й. и/ч., д/б. 30 739 VSF, т/н. Б.б. - 3 520 000 сўм; 57) А/м. "УАЗ-3151201". 2000 й. и/ч., д/б. 30 106 VSF, т/н. Б.б. - 5 491 000 сўм; 58) А/м. "УАЗ-3151201". 2000 й. и/ч., д/б. 30 313 VSF, т/н. Б.б. - 3 225 000 сўм; 59) А/м. "УАЗ-3151201". 1988 й. и/ч., д/б. 30 354 VSF, т/н. Б.б. - 5 491 000 сўм; 60) А/м. "УАЗ-3151201". 1991 й. и/ч., д/б. 30 368 VSF, т/н. Б.б. - 2 478 000 сўм; 61) А/м. "УАЗ-31514". 2001 й. и/ч., д/б. 30 394 VSF, т/н. Б.б. - 5 036 000 сўм; 62) А/м. "УАЗ-3303". 1991 й. и/ч., д/б. 30 849 VSF,

- т/н. Б.б. - 4 515 000 сўм; 63) А/м. "ГАЗ-330700". 1994 й. и/ч., д/б. 30 230 VSF, т/н. Б.б. - 20 955 000 сўм; 64) А/м. "ГАЗ-53". 1986 й. и/ч., д/б. 30 231 JAA, т/н. Б.б. - 15 090 000 сўм; 65) А/м. "ЗИЛ-131". 1977 й. и/ч., д/б. 30 184 VSF, т/н. Б.б. - 22 595 000 сўм; 66) А/м. "КАМАЗ-53212". 1994 й. и/ч., д/б. 30 081 VSF, т/н. Б.б. - 25 178 000 сўм; 67) А/м. "КАМАЗ-53202". 1992 й. и/ч., д/б. 30 210 VSF, т/н. Б.б. - 23 017 000 сўм; 68) А/м. "Отайўл-12014". 2000 й. и/ч., д/б. 30 291 VSF, т/н. Б.б. - 20 845 000 сўм; 69) А/м. "Отайўл-65,9". 2000 й. и/ч., д/б. 30 322 VSF, т/н. Б.б. - 20 845 000 сўм; 70) А/м. "Отайўл-359". 2002 й. и/ч., д/б. 30 334 VSF, т/н. Б.б. - 20 845 000 сўм; 71) А/м. "Отайўл". 1999 й. и/ч., д/б. 30 373 VSF, т/н. Б.б. - 20 845 000 сўм; 72) А/м. "ВАЗ-21061". 1991 й. и/ч., д/б. 30 038 VSF, т/н. Б.б. - 2 031 000 сўм.

Ёпиқ аукцион савдоси 2020 йилнинг 14 декабрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Ёпиқ аукцион савдосига Самарқанд вилоти ИИБ туман (шаҳар) тизимида ишловчи ходимлардан аризалар газетда эълон чоп этилган кундан бошлаб, иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади. Аризалар қабул қилишнинг охири мuddати 2020 йил 12 декабрь куни соат 16:00. Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 (ўн) иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар диққатига!

Юқорида кўрсатилган автотранспорт воситалари 2020 йил 14 декабрь куни савдога сотилмаган тақдирда, уларнинг такрорий ёпиқ аукцион савдолари 2020 йил 21 ва 28 декабрь кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтади. Такрорий ёпиқ аукцион савдосига аризалар қабул қилиш аукцион савдосидан бир кун олдин тўхтатилади. Самарқанд вилоти ИИБ туман (шаҳар) тизимида ишловчи талабгор жисмоний шахслар паспорт нусхасини, иш жойидан маълумотномани, хизмат гувоҳномаси, закалат пули тўланганлигини тасдиқловчи тўлов хабарномасини тақдим этиши шарт. Закалат пули автомашина бошланғич баҳосининг 50 фоиздан кам бўлмаган микдорда закалат қилинуви шартномасига асосан "Samarqand milk markazi" МЧЖнинг АТБ "Ипотекка банк" Кўксарой филиалидаги қуйдаги ҳисоб рақамига тўлашлари лозим: Ҳ/р: 20208000804942465001. МФО: 00262. СТИР: 302129857.

Савдо ўтказиладиган манзил: Самарқанд шаҳри И.Қошғарий кўчаси, 58-уй, 2-қават. Телефон: 66-233-80-13. Хизматлар лицензияланган.

САВДО САНАСИ ЎЗГАРДИ

"Зарафшон" газетасининг 2020 йил 7 ноябрдаги 127-128-сонлари 6-саҳифасида "Савдолар эълон қилинади" сарлавҳаси остида Каттақўрғон шаҳри Ингича кўрғони Каттақўрғон МФЙда жойлашган омборхона биносининг аукцион савдолари 2020 йил 7 декабрда ўтказилиши тўғрисида эълон чоп этилган. Ушбу омборхона биносининг аукцион савдолари 2020 йил 9 декабрь куни соат 09:00 дан 18:00 гача вақт давомида ўтказилиши маълум қилинади.

Кўшимча маълумотларни олиш мумкин бўлган манзил: Самарқанд шаҳри Кўксарой майдони, 1-А уй, 6-қават, 604-хона.

Давлат активларини бошқариш агентлиги Самарқанд вилоти ҳудудий бошқармаси, давлат активларини хусусий мулкка бериш бўлими.

Маълумот учун телефонлар: 66-233-73-54, 91-537-32-12.

Факс: 66-233-73-54.

Facebook даги расмий саҳифа: Sam Dav Aktiv

Веб-саҳифа: privatization.davaktiv.uz

Интернет тармоғидаги веб-сайт: samarqand@davaktiv.uz

БОШҚАРМА МАЪМУРИЯТИ.

ДАЪВОЛАР БЎЛСА

Самарқанд туманидаги «MAROKAND AGRO INVEST» фермер хўжалиги (СТИР: 303258926) ўз ташкилий-ҳуқуқий шаклини «MAROKAND AGRO INVEST» масъулияти чекланган жамиятига ўзгартирди. «MAROKAND AGRO INVEST» масъулияти чекланган жамияти «MAROKAND AGRO INVEST» фермер хўжалигининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

Шу муносабат билан унга билдирилладиган барча даъволар газетда эълон чоп этилган, бир ой давомида қабул қилинади.

Манзил: Самарқанд тумани Гулистан маҳалласи.

Самарқанд шаҳар давлат хизматлари марказидан 2019 йил 1 июнда 729872 реестр рақами билан рўйхатга олинган «DUTY BRAND DIAMOND» масъулияти чекланган жамияти (қисқартирилган номи: «DUTY BRAND DIAMOND») жамият таъсисчиларининг 2020 йил 12 ноябрдаги қарорига асосан ихтиёрий равишда тугатилмоқда.

Шу муносабат билан унга билдирилладиган барча эътирозлар газетда эълон чоп этилган, икки ой давомида қабул қилинади.

Жамиятнинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилоти Самарқанд шаҳри Гагарин кўчаси, 95-«Б» уй.

Жамиятнинг солиқ тўлайдиган идентификацион рақами (СТИР): 306474584.

Самарқанд шаҳар давлат хизматлари марказидан 2019 йил 1 июлда 739328 реестр рақами билан рўйхатга олинган «DUTY BRAND SAMARQAND» масъулияти чекланган жамияти (қисқартирилган номи: «DUTY BRAND SAMARQAND») МЧЖ жамият таъсисчиларининг 2020 йил 12 ноябрдаги қарорига асосан ихтиёрий равишда тугатилмоқда.

Шу муносабат билан унга билдирилладиган барча эътирозлар газетда эълон чоп этилган, икки ой давомида қабул қилинади.

Жамиятнинг почта манзили: Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилоти Самарқанд шаҳри Гагарин кўчаси, 95-«Б» уй.

Жамиятнинг солиқ тўлайдиган идентификацион рақами (СТИР): 306546906.

Ургут туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Набиева Наргиза Қахрамоновна нотариал идорасида марҳум Ғаниев Равшанга (2018 йил 2 февралда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Набиева Наргиза Қахрамоновна нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Ургут шаҳри, Навоий шоҳкўчаси.

Жомбой туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Азизов Джаҳонгир Илҳомович нотариал идорасида марҳум Пак Мира Алексеевнага (2014 йил 16 февралда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Азизов Джаҳонгир Илҳомович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Жомбой тумани А.Қурбанов маҳалласи Сарой кўчаси.

Жомбой туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Қодиров Улугбек Толибович нотариал идорасида марҳум Саттаров Бахритдин Мамадалиевичга (2020 йил 12 январда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Қодиров Улугбек Толибович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Жомбой тумани Сарой кўчаси, 15-уй.

Самарқанд туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Абдуллаев Нодир Джамолиддинович нотариал идорасида марҳум Кадилов Алимжон Шарифовичга (2018 йил 29 ноябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Абдуллаев Нодир Джамолиддинович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд тумани Фарҳод Мухаммадиев нотариал идорасида марҳум Сафаров Қаҳрамон Муминовичга (2019 йил 28 сентябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Фарҳод Мухаммадиев нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд шаҳри Ўзбекистон кўчаси, 35-уй.

Пайариқ туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Фарҳод Мухаммадиев нотариал идорасида марҳум Сафаров Қаҳрамон Муминовичга (2019 йил 28 сентябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Фарҳод Мухаммадиев нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Пайариқ шаҳарчаси Чўлпон кўчаси.

Самарқанд туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ахтамов Эркинжон Толибжонович нотариал идорасида марҳум Болтаев Ҳайитга (2016 йил 3 сентябрда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилмоқда. Шу муносабат билан

меросхўрларнинг Ахтамов Эркинжон Толибжонович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Самарқанд тумани Анджино маҳалласи.

Пайариқ туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ортиқбоев Азиз Азаматович нотариал идорасида марҳум Курбанов Сунатулла Таштемировичга (2020 йил 8 мартда вафот этган) тегишли мол-мулк учун мерос иши очилган. Шу муносабат билан меросхўрларнинг Ортиқбоев Азиз Азаматович нотариал идорасига мурожаат этишларини сўраймиз.

Манзил: Пайариқ тумани Челак шаҳарчаси Истиқлол кўчаси, 73-уй.

Давлат хизматлари агентлиги Самарқанд вилоти бошқармаси жамоаси Пайариқ туман давлат хизматлари маркази директори Дилшод Сувоновга отаси

Мамараҳим СУВОНОВнинг вафоти муносабати билан ҳамдардик билдиради.

Давлат хизматлари агентлиги Самарқанд вилоти бошқармаси жамоаси

МАДАНИЯТ ВА МАЪРИФАТ

Директор ва "завуч" назорат дарсига кирадимми?

Бугун ўқитувчи берилаётган рағбат, имтиёз ва имкониятлар унга қўйлаётган талаб ва масъулиятни ҳам кучайтиради. Мактабларда таълим сифатини ошириш учун, аввало, ўқитувчиларнинг билими, дарс ўтиш маҳорати, тажриба ва кўникмасини ривожлантириш керак.

Директор ва унинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари ҳафтада 4 соат дарсларни кузатади, - дейди вилоят халқ таълими бошқармаси рус тили методисти Хилола Шарипова.

Хўш, ҳақиқатан ҳам мактабда директор ва "завуч" назорат дарсларига кирадимми? Дарсларни таҳлил қиладимми?

Ҳафтасига 4 соат назорат дарсларига киришим керак, аммо баъзида бир кунда 3 соат назорат дарсларига кираман, - деди Нуробод туманидаги 33-умумий ўрта таълим мактаби директори Зирот Садинова.

Мактаб директорининг жавобидан қониқиб ҳосил қилиб, ундан таҳлил дафтари сўрадик.

Бироқ З.Садинова таҳлил дафтари кўрсата олмади. Унинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари Л.Эшмирова таҳлил дафтари кўчириш учун уйига олиб кетгани ва ёдидан кўтарилиб қолдирганини айтди.

Аслида таҳлил дафтари кўчирилмайди, ҳар бир раҳбар қатнашган дарсини ўзи таҳлил қилиши лозим. Хуллас, биз бу мактабда таҳлил дафтари борлигига ишонмадик.

Шунга ўхшаш ҳол Нуробод туманидаги 32-умумий ўрта таълим мактабда ҳам рўй берди. Мактабнинг ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари Санжар Суёнов аввалига назорат дарсларига киришини айтди.

Шу ўринда ўқитувчилардан ҳам "Директор ва "завуч" назорат дарсларига кирадимми?" деб сўрадик. "Назорат дарси нима у? Очик дарсни айтмасми?" деган ўқитувчилар ҳам бўлди.



Демак, айрим мактаб раҳбарлари фақат очик дарсларга киради, бироқ дарсларни назорат қилмайди. Акс ҳолда ўқитувчилар назорат дарси ҳақида тушунчага эга бўларди.

Шуни афсус билан қайд этиш керакки, бугун таълим сифатининг пасайиб кетиши мактабларда назоратнинг йўқлиги, раҳбарларнинг ўз вазифасига совуққонлик билан қараётганидандир.

Дарсни назорат қилишининг энг самарали усули, бизнингча, синфларда овозли кузатув камералари ўрнатиш. Директор ҳам, ўринбосари ҳам ва ҳатто туман халқ таълими бўлими бўлибчилари ҳам бу тизим орқали ўқитувчи дарсига, фаолиятига баҳо бериши мумкин.

Бугуннинг гапи

сини бераётгани ҳам яхши маълум. Бу билан барча мактаб раҳбарларини ўз ишига совуққон демокчи эмасмиз. Уларнинг орасида ўз касбини яхши кўрадиган, вазифасини пухта уддалайдиганлари ҳам бор, албатта.

Ўқитувчиларнинг билимини баҳолаш учун назорат дарсларига кириб тураман, - дейди Ургут тумани 7-умумий ўрта таълим мактаби директорининг ўқув-тарбия ишлари бўйича ўринбосари Наргиза Маматқаримова.

Аслида ҳам бир касбнинг моҳир устаси бўлиш учун биргина билимнинг ўзи камлик қилади. Айниқса, ўқитувчи ўзидаги билимини ўқувчига етказиб бериш маҳоратини ҳам эгаллаган бўлиши керак. Агар мактаб раҳбарлари дарсларни вақтида назорат қилиб бурса, улар қайси ўқитувчи қандай дарс ўтишини яхши билади ва шунга қараб чора кўради.



Хуршида ЭРНАЗАРОВА.

Спорт хабарлари

Қўл жанги

Навоий шаҳрида 2005-2006 йилларда туғилган қизлар ўртасида қўл жанги бўйича Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди.

Унда Жомбой тумани болалар-ўсмирлар спорт мактаби тарбияланувчилари ғалабага эришти. Хусусан, ўқитувчи-тренер Акмал Бўлтаков бошчилигида Севара Суёнова ва Севинч Раимова олтин медалга, Севинч Ҳамидова кумуш медалга эга чиқди.

Стол тенниси

Фарғона шаҳрида 2006 йилда туғилган ва ундан кичик ёшдаги спортчилар ўртасида стол тенниси бўйича бўлиб ўтган Ўзбекистон чемпионатида жомбойлик қизлар Жасмина Абдуалимова ҳамда Нозли Тошбоева биринчи ўринни эгаллашди.

Эдиб АМЕДИЕВ.

Волейбол

Ургут туманидаги 1-сон болалар-ўсмирлар спорт мактабидан 2004-2006 йилларда туғилган ўғил болалар ва қизлар ўртасида волейбол бўйича вилоят чемпионати бўлиб ўтди.

Мусобақа якунида мезбон жамоа биринчи бўлди. Кейинги ўринлар Қўшработ тумани ҳамда Самарқанд шаҳри ўғил болалар жамоасига насиб этди. Қизлар беллашувида ҳам ургутликларга тенг келадигани топилмади.

Бекзод АҲМЕДОВ.

Ҳаёт сабоқлари

Олағовур бозорни айланиб борардим. Қулоғимга майин ва мунгли куй эшитилди, кейин шўх ва жарангдор оҳанг билан ал-машди. Қизиқиб ўша томонга ўтиб бордим. Мусиқий асбоблар ясаляётган устахонадан эшитилаётган экан.

От изини той босар

Харидорлар у ёки бу миллий чолғу асбобини қўлга олиб, чалиб кўришарди. Ёши элликлардаги истараси иссиқ уста қумқоғоз билан янги ясалган ғижжака сайқал берарди. Мени ҳайратга солгани харидорлар, деворда осиглиқ хилма-хил миллий чолғу асбоблари эмас, устанинг саккиз ёшли неварасининг фавқуллода қобилияти бўлди.

300 минг сўм, олинг тутдан ясаганман. Овози бузилмайди. Чалиб кўрсатайми, ё ўзингиз... Раҳмат, мени ўқувим йўқ, ўғилчамга олиб бермоқчи эдим. - Яхши! - Уста ёғочга ишлов бераётган неварасига юзланди. - Санъатжон, амакингизга рубобни бир чалиб кўрсатинг. Нева-рам, ёши саккизда, барча миллий чолғуларни чалишни ўрганиб олган. Ясалган созимни биринчи бўлиб у чалиб кўради. Етти пуштимиз шу касбни эъозлаб ўтишган.

Санъатжон рубобни олиб, тингиллатиб торларини жўрлади. Кейин завқ билан чала кетди. Унинг нозик бармоқлари пардалар устида чаққонлик билан ўйнади, торлар таратган гоҳ майин, гоҳ мунгли, гоҳ шўх ва жарангдор оҳанглар тингловчи қалбини сеҳрлаб кўярди. Мумтоз оҳангларни тинглар эканман, миллий санъатимиз, халқ амалий хўнарамандчилиги аъналарининг асрлар оша авлоддан авлодга ўтиб, сайқаллашиб, безавол сакланиб келаётганини сирини англадим.

Шотут

Қаландар ота тонгсаҳар болтанинг тўқиллашидан уйғониб кетди. Тўнани елкасига ташлаб ташқарига чиқди. Қўшниси Шермат икки ҳовли ўртасидаги кекса шотутни кесишга киришганди.



Ҳой, Шермат, ўғлим, нима қиляпсан? - Қаландар ота қўлини кўтариб уни тўхтатди.

Кўрпясиз, тарвақайлаб сизнинг ҳам, менинг ҳам томорқамизда анча жойни эгаллаб турибди. Ўрнига у-бу экин экамиз, дейман-да!

Кел, ёнимга ўтир, ўғлим. Ўтган асрнинг 30-йиллари эди. Бир куни кечаси қишлоғимизга қуролли кимсалар бостириб келишди. Одамларнинг дон-дуни, мол-ҳолини талаб кетишди. Гўдак бўлсам-да, кечагайди эсимда. Сой бўйидаги беш-олти хўжалиқдан иборат қишлоқ аҳли оч-яланғоч қолди. Ўт-ўландан бошқа тишга илинадиган нарса йўқ. Биз, гўдаклар очликдан шишиб, ўлар даражасига етганимизда, мана шу ёши нечадалигини ҳеч ким билмайдиган кекса шотут пийди. Мевасини териб едик, шинни қилдик,

Тоғаймурод ШОМУРОДОВ.

Баҳодир Ялангтўш сиймоси болаларнигоҳида



Вилоят қўғирчоқ театрида муаллифлар Акбар Абдуллаев ва Гулмеҳра Исмаатованинг "Қанотли Барс афсона" мусиқий-тарихий спектаклини кўриб, фарзандларимизнинг маънавий оламиди бойитишда театр томошаларининг тарбиявий аҳамияти катта эканлигига амин бўлдим.

Спектакль Аштархонийлар даврининг энгилмас саркардаси, юртимиз ва қардош элатларни душманлардан халос этган қаҳрамон, Самарқанд ҳокими Баҳодир Ялангтўшбий ҳақида.

Ушбу тарихий ҳақиқатларга асосланган спектаклда болажонлар дунёси орқали биз Баҳодир Ялангтўш бобомизнинг ёшлиги, билимдонлиги, ўткир зехни, Бухоро амирини ҳайратлантирган фазилатлари, Самарқанд ҳокими бўлганда халқ манфаатлари учун олиб борган хайрли ишлари ҳақида кўпга маълумотларга эга бўламиз.

Спектаклда кўхна кентнинг юраги бўлган Регистон мажму-

асининг қурилиш тарихи, уни қурган меъморлар, душманларга қарши курашган боболаримиз жасорати, юрт хоинлари кўғирчоқлар орқали болаларга тушунарли тарзда ифодаланган. - Нега энди фарзандларимиз доим чет эл қаҳрамонлари акс этган мультфильмлари кўриши лозим, - дейди спектакль режиссёри Шаҳодат Усмонова. - Ахир бизнинг ҳам жаҳон тан олган тарихий шахсларимиз, буюк аждодларимиз бор. Уларни болалар дунёси ила кўрсатиб беришда кўғирчоқ театрларининг ўрни катта. Мазкур спектаклда 90 дан ортиқ кўғирчоқларни сахнада ҳаракатлантирдик. Албатта бу

актёрлардан катта маҳорат ва истеъдод талаб этади. Қувонарлиси, тарихий спектаклимизни сахналаштириш жараёнида асосан ёшлар жамоаси ишлади.

Жамоатчилик кўригига тақдим этилган спектакль театр мутахассислари томонидан таҳлил этилди. Асарнинг айрим жиҳатлари: мусиқа оҳангининг баландлиги, бўри ва қанотли Барс кўғирчоқ персонажлари устида ишлаш лозимлиги, улар болаларда бироз кўрқув уйғотиши каби камчиликлар айтилди. Шу билан бирга тарихий спектаклнинг бир қатор ютуқлари ҳам жамоатчилик томонидан эътироф этилди. Яқин кунларда спектакль томошабинлар ҳукмига ҳавола этилади. Албатта, фарзандингизни мазкур спектаклга олиб тушинг. Катта театрда қадам кўғирчоқ театридан бошланади.

Шаҳноза ОРТИҚОВА.

"Соғинч дафтари"

Тонгда келдим ота ховлимга, Дил ўртаган айриликдан сўнг. Ким тушмаган менинг ҳолимга, Рух. Исканжа. Нигоҳ тўла мунг.

Ватан сўзини айтмасдан ватан ҳақида шеър ёзиш чинакам истеъдод. Таниқли шоир Ўқтам Мирзаёвнинг яқинда "Камалак" нашриётида чоп этилган "Соғинч дафтари" шеърлар тўпламидан ўрин олган бу каби ижод намуналари бир пайтнинг ўзида ҳам жарангдор, ҳам мунгли. Аслида ҳам кишида ватан туйғуси шу икки кайфиятда пайдо бўлади, униб-ўсади.

Тўпладан ўрин олган шеърларнинг ҳар бирида шоир қай бир мавзуда ўз қарашларини, хулосаларини айтади, ўзи англаган дунёни рўйроқ очиб беради.

Шунингдек, тўплагма муаллифнинг дунё шеърятининг атоқли намояндалари Лорка, Блок, Расул Ҳамзаатов, Оғнецвет каби шоирлар ижодидан қўлдан таржималаридан намуналар киритилган.



Янги китоблар

"Буни ҳаёт дейдилар..."

Серқирра ижодкор Абдусайд Кўчимовнинг шу номдаги китоби Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйида нашрга тайёрланиб, чоп этилди. Одил Ёқубов, Пириқул Қодиров, Шукрулло, Ўткир Ҳошимов, Барот Бойқосилов, Маъруф Жалил, Пирмат Шермухамедов, Маҳмуд Саъдий, Азим Суён, Қозоқбой Йўлдош... Буларнинг ҳар бирини ўзбек адабиётининг кўркам ва баъсафлат туғдонларига қислаш мумкин.

Ушбу жамланмада эл суйган ижодкорларнинг ҳаёт ва жамият муаммоларига муносабати, оилага, дўсту ёронга, устозу шогирдларга қарашлари ҳамда ҳар бирининг ўзига хос ижод тарзи ҳикоя қилинган. Ҳар бир ижодкор ҳақида воқеий ҳикояларни ўқиркансиз ижодкор шахси, унинг камолоти сизни ҳайратлантирмай қолмайди. Камтарлик ва хокисорлик, ҳалоллик ва атрофидагилар ташвишига жонкуярлик уларнинг инсоний қиёфасига ёрқин чизгилар беради.

Китобдан улуғ устозлар изидан келаётган ёш ижодкорлар ҳақидаги бадиҳалар ҳам ўрин олган.

Нилуфар БҮРИЕВА.

Zarafshon AMARKANDKIY ESTNIK

МУАССИСЛАР: халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгаши ва вилоят ҳокимлиги

Бош муҳаррир: Фармон ТОШЕВ. Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг Самарқанд вилоят матбуот ва ахборот бошқармасида 2012 йил 30 мартда 09-01 рақам билан рўйхатга олинган.

Газета "Зарифшон" тахририятининг компьютер бўлимида саҳифаланди. "Ночирик локс" МЧЖ босмахонасида чоп этилди.

КАБУЛХОНА: 233-91-51. ХАТЛАР ВА МУРОЖААТЛАР: 233-91-53. БҮЛИМЛАР: 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61. РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР: 233-91-56. МАНЗИЛИМИЗ: 140100, Самарқанд шаҳри, Улуғ Турсунов кўчаси, 80-уй, Матбуот уйи.

Навбатчи муҳаррир: Ғ.ҲАСАНОВ. Навбатчи: Г.МҲИМОНОВА. Саҳифаловчи: Б.АБДУЛЛАЕВ. Сотишда нархи келишилган ҳолда

ISSN-201667X. 9 772010 1667009